



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMICS

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

2024 yil 4-son

Volume 10, Issue 4, 2024



**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI
VA INSON KAPITALI**
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI

№ 4-2024

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ**

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmiymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog‘lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:**(Chairman of the Editorial Board)**

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:**(Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.d., (DSc), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**(Community Council members)**

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Keynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

S.B.G'oyipnazarov I.A.Bakiyeva S.M.Kurbanbayeva	<i>Change of professions and skills in the field of tourism under the influence of artificial intelligence.....</i>	6-19
S.S.Amirdjanova	<i>Приоритетные направления занятости населения и организационно-экономические механизмы его реализации.....</i>	20-33

INSON KAPITALI

A.B.Irmatova A.M.Saidahmadov	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi</i>	34-50
F.O.Odilova	<i>Касб-хунар таълими битирувчиларининг касбий кўникмаларини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар</i>	51-60
T.N.Azimov	<i>Роль высшего образования в обеспечении устойчивого роста человеческого капитала</i>	61-78
T.B.Shomurodov	<i>Oziq ovqat xavfsizligini ta'minlashning inson kapitalini rivojlanishiga ta'sirini baholash</i>	79-86

INSON TARAQQIYOTI

Sh.D.Akishova	<i>O'zbekistonda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish orqali moliyaviy salohiyatni oshirishning zamonaviy holati.....</i>	87-93
X.X.Yaxshimuratova	<i>Mamlakat aholisining turmush farovonligini oshirishda iste'mol kreditlarining ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan obyektiv zarurligi.....</i>	94-100
Z.K.Murtozayeva	<i>The role of public procurement in the project financing system formed on the basis of public opinion in the Republic of Uzbekistan.....</i>	101-109
Ch.O'.Ro'zimurodova	<i>Davlat xaridlari tizimini takomillashtirish: zamonaviy tendensiyalar va asosiy o'zgarishlar.....</i>	110-120
T.B.Shomurodov	<i>O'zbekistonda aholi daromadlarining oziq-ovqat xavfsizligiga ta'sirini baholashning metodologiyasini takomillashtirish.....</i>	121-130

KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH

O.A.Norboyev	<i>Мулкий муносабатлар механизмини такомиллаштириш.....</i>	131-141
---------------------	---	---------

T.B.Shomurodov	<i>Daromad tengsizligining oziq-ovqat xavfsizligiga ta'siri: rivojlanayotgan mamlakatlar misolida.....</i>	142-150
-----------------------	--	---------

MIGRATSIYA

Z.T.Jumanova	<i>Turizm sohasi faoliyatini statistik tahlil qilish.....</i>	151-161
---------------------	---	---------

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

M.F.Abdumannofova	<i>Inson resurslarini boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanishning tendensiyalari</i>	162-171
--------------------------	---	---------

G.R.Kuziyeva	<i>Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda ishchi kuchi samaradorligini oshirishda innovatsiyalarning ta'sirini baholash</i>	172-180
---------------------	--	---------

G.R.Kuziyeva	<i>Ishlab chiqarishda innovatsiyalarning joriy etilishining ishchi kuchi samaradorligiga ta'sirini baholash</i>	181-188
---------------------	---	---------

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

S.K.Mansurov	<i>Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda tovarlar eksportining o'рни va ahamiyati</i>	189-203
---------------------	--	---------

S.U.Ismailova	<i>Роль цифровых маркетинговых стратегий в обеспечении устойчивого экономического роста в цифровой экономике</i>	204-213
----------------------	--	---------

Sh.Sh.Atadjanova	<i>Turistik destinatsiya raqobatbardoshligini oshirish orqali mintaqada turizmni barqaror rivojlantirish</i>	214-221
-------------------------	--	---------

D.B.Fayziyeva	<i>Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarining samaradorligini oshirish mexanizmlarini takomillashtirish</i>	222-232
----------------------	---	---------

Sh.U.Karimova	<i>Mintaqada turizmni rivojlantirishda turistik resurslardan unumli foydalanish</i>	233-238
----------------------	---	---------

G.R.Kuziyeva	<i>O'zbekistonda innovatsiyalarning yapli ichki mahsulotni diversifikatsilayalashdagi rolini baholash...</i>	239-247
---------------------	--	---------

Sh.S.Sayfutdinov D.T.Alijonova	<i>Hududiy turizm bozorini barqaror rivojlanishining nazariy asoslari</i>	248-254
---	---	---------

GENDER TENGLIGI

B.A.Xonturayev	<i>Ta'lim institutlarini jamiyatga ta'sirini gender indeksleri asosida baholash</i>	255-270
-----------------------	---	---------

MUNOSIB MEHNAT

S.B.G'oyipnazarov

Barriers to the adoption of Industry 4.0 technologies in the practice of occupational safety and health of smes...

271-281



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Норбоев Одил Абраевич

Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти

e-mail: odilnorboyev75@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a130

Аннотация. Ушбу мақолада мулкий муносабатлар механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлар ва амалий чоралари ифодаланган. Мулкий муносабатлар механизмини такомиллаштириш учун мулкий ҳуқуқларнинг ҳимоясини кучайтириш, мулкни эркин айланиши ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш, янгиликларни қабул қилиш ва рақамли трансформация, мулк ҳуқуқи бўйича таълим ва ҳуқуқий маълумотларни ошириш, янги замонавий технологиялар ва малакали кадрларни кўпайтириб бориш, янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни ўстириш зарур бўлиб бу борасида иқтисодчи олимлар қарашлари, мулкий муносабатлар механизмини такомиллаштириш асосий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мулкий муносабатлар механизми, мулк капиталлашуви, мулк ҳуқуқи, иқтисодий жиҳатлари, ривожлантириш самарадорлиги, таълим ва ҳуқуқий маълумотлар, замонавий технологиялар ва малакали кадрларни кўпайтириш, ресурслар истеъмоли бўйича хулосалар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ОТНОШЕНИЙ СОБСТВЕННОСТИ

Норбоев Одил Абраевич

Доцент кафедры экономической теории

Аннотация. В данной статье описаны основные направления и практические меры по совершенствованию механизма отношений собственности. Совершенствовать механизм отношений собственности, усиливать защиту прав собственности, свободное обращение собственности и развитие рыночной экономики, внедрение инноваций и цифровую трансформацию, повышать образовательную и правовую информацию о правах собственности, новых современных технологиях и квалифицированных кадрах. необходимо размножаться, создавать новые рабочие места, развивать инновации, и освещены взгляды экономистов на этот счет, вопросы, связанные с основными аспектами совершенствования механизма отношений собственности.

Ключевые слова: Сделаны выводы о механизме отношений собственности, капитализации собственности, правах собственности, экономических аспектах, эффективности развития, образовании и правовой информации, современных технологиях и увеличении квалифицированных кадров, потреблении ресурсов.

IMPROVING THE MECHANISM OF PROPERTY RELATIONS

Norboev Odil Abraevich

Associate Professor, Department of Economic Theory

Abstract. This article describes the main directions and practical measures to improve the mechanism of property relations. Improve the mechanism of property relations, strengthen the protection of property rights, free circulation of property and the development of a market economy, the introduction of innovations and digital transformation, improve educational and legal information on property rights, new modern technologies and qualified personnel. it is necessary to multiply, create new jobs, develop innovations, and highlights the views of economists on this matter, issues related to the main aspects of improving the mechanism of property relations.

Key words: Conclusions are made on the mechanism of property relations, capitalization of property, property rights, economic aspects, development efficiency, education and legal information, modern technologies and increase in qualified personnel, consumption of resources.

Кириш

Ўзбекистонда мулкый муносабатлар механизмини такомиллаштириш у билан боғлиқ кўплаб, жумладан, хусусий мулкчиликни қарор топтириш ва ривожлантириш, хўжалик юритишнинг турли шаклларига ўтиш, иқтисодий субъектларнинг манфаатдорлигини таъминлаш бу жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий томонларни кўриб чиқиш заруриятдир. Мулкый муносабатларни такомиллаштиришнинг мақсади – мулкка эга бўлиш, уни бошқариш ва эркин айлантиришни самарали амалга оширишдир. Бу билан бир қатор ислохотлар ва ўзгаришлар амалга оширилиши бошқа жиҳатларга эътиборни кучайтирди. Узоқ йиллар мобайнида, айниқса, марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида йирик хўжалик юритиш шакллариининг шубҳасиз ва мутлақ самарадорлиги тўғрисидаги назариялар етакчилик қилиб келди. Кичик корхоналар, майда хўжаликлар ва якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар эса узил-кесил самарасиз ҳисобланиб, уларнинг фаолият кўрсатиши вақтинчалик ҳолат сифатида баҳоланар эди. Бозор тизимида мулкчиликнинг иқтисодий реализациясини такомиллаштириш энг аввало мазкур жараёнга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни аниқлашни тақозо этади. Одатда ушбу ҳолатларнинг пайдо бўлиши мамлакатимизда мулкчилик муносабатларининг маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсири остида издан чиқиши билан боғлиқ. Шунга кўра, мазкур жараёнларни мулкни иқтисодий реализациясини таъминлашнинг бозор омилларидан фойдаланишни кенгайтиришга йўналтирилган иқтисодий механизмларни жорий этиш зарур ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, бир вақтнинг ўзида мулкнинг иқтисодий реализацияси билан боғлиқ барча жараёнларида бозор омилларидан фойдаланишни таъминлаш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишдир»[1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ҳозирга қадар иқтисодчи олимларимизнинг илмий изланишлари ва иқтисодиётда мулкий муносабатлар механизмини такомиллаштириш бўйича хориж олимлари бир қанча тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг реал ҳолатини ўзаро таъсирда ўрганиш ва соҳаларни ривожлантириш бўйича концепсиялар ва турли тавсиялар ишлаб чиқиш масаласига эътибор берганлар.

Амир Темур (1336-1405) иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратди. Соhibқирон давлатида девони бузург (бош вазир)дан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлашни, ижтимоий бинолар бозорлар, хаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилиб турган. Унинг ходимлари вақти-вақти билан текшириш ва тафтиш ишларини олиб борган. Айниқса, тошу тарози тўғрилиги, одил баҳо текшириб турилган, қаллоб ва товламачилар каттик жазоланган. [2].

Навоий ўзининг “Махбуб-ул-қулуб” (1500 й.) асарида мамлакатдаги ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, деҳқонлар, ҳунармандлар ва чет эл билан алоқаси бор савдогарлар жамиятда моддий бойлик яратишда ва мамлакатнинг бойлигини кўпайтиришда муҳим урин тутади. [3].

Ж.С. Милл сиёсий иқтисодни бойликнинг моҳиятини, уни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш қонунларини ташкил, қилувчи фан сифатида таърифлайди. Шу билан бирга, унинг фикрича, тақсимот тарихий характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш қонунлари эса асосий ҳисобланади. [3].

Ж.С. Милл жамғариш натижасида вужудга келадиган меҳнат маҳсулотлари захирасини капитал деб атаган. Ишлаб чиқариш фаолияти капитал миқдори билан чегараланади. Капиталнинг ҳар бир кўпайиши ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Унинг фикрича,

инвестициянинг асоси сифатида капиталнинг ташкил топиши иш билан бандлик доирасини кенгайтириш имкониятини беради ва агар “бойларнинг унумсиз харажатлари” хисобга олинмаса, ишсизликка барҳам берилиши мумкин. [3].

Кўпчилик иқтисодчиларнинг айтишича, Ж.М. Кейнснинг “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” XX аср иқтисодий фанида бурилиш ясади ва кўп жиҳатдан ҳозирги даврда ҳам мамлакатлар иқтисодий сиёсатини ифодалайди. Унинг бош ва янги ғояси шундан иборатки, бозор иқтисодий муносабатлари такомиллашган ва ўзини ўзи тартиблаб турувчи тизим ҳисобланмайди ва шунинг учун фақат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иш билан бандликни энг юқори даражада ошириши ва иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин. Ҳақиқатан ҳам 1929-1933 йиллардаги буюк тўрғунлик | даври классикларнинг бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибловчи иқтисодиёт, деган ғояси айтиш шароитда нотўғри эканлигини кўрсатди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг зарурлиги ва унинг ёрдамида иқтисодиётни тартиблаш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берган буюк иқтисодчи Ж.М. Кейнс хисобланади. [4].

Бозор механизми устунлигига асосланган М. Фридменнинг фикрича, эркинлик ва хусусий тадбиркорлик ўртасида ички боғлиқлик мавжуд. Фақат хўжалик эркинлиги шароитида сиёсий эркинликка, иқтисодий самарадорликка ва тенгликка эришиш мумкин. [5].

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда мулкӣ муносабатлар механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлар ва амалий чоралари ифодаланган бўлиб мулкӣ ҳуқуқларнинг ҳимоясини кучайтириш, мулкни эркин айланиши, миллий иқтисодиётда мулк капиталлашувига таъсирини ўрганиш учун иқтисодий статистика ва сўров натижаларига асосланган таҳлил усули қўлланилди. Маълумотлар давлат статистик ҳисоботлари, хусусий компаниялар ҳисоботлари ва эксперт баҳоларидан олинди. Олинган маълумотлар иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляцион таҳлил ва регрессия моделлари ёрдамида таҳлил қилинди.

Таҳлил

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон–2030” стратегиясининг I-блокида “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” бўйича 44 та мақсад ва унга доир 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган ва бу эса

стратегик мақсадларга эришишда мулк капиталлашувини ривожлантириш долзарблигини ифодалайди[6].

“Ўзбекистон - 2030” стратегияси мақсад ва кутилаётган натижалар.

1-жадвал

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш

Йўналиш	Кўрсаткич	Натижа	йил
Ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) етказиш	ЯИМ миқдори	80 млрд \$ → 160 млрд \$	2022 → -
Аҳоли жон бошига даромадни ошириш	Хар бир инсон даромади	2,2 минг \$ → 4 минг \$	2022 → -
Аҳолини ўй жой билан таъминлаш	Арзон ўй-жойлар қурилади	1 млн м ²	-
	“Менинг биринчи ўйим” дастури доирасида	140 минг та ўй-жой	2030
Макроиқтисодий барқарорлик	Инфляция даражаси	5-6% ни сақлаш	-
Хусусий сектор улушини ошириш.	Хусусий сектор улуши	85%	-

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш имкониятлари ҳамда мақсадлар ва кутилаётган натижалар бўйича барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби асосий ғояларни ўз ичига олган ҳолда мазкур йўналишлар доирасида иқтисодиёт ҳажмини икки баробарга ошириш, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард доллар, аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш, макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ривожланишни зарур даражадаги энергетика, сув ва инфратузилма ресурслари билан таъминлаш, мамлакатда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш мақсад қилинган.

“Ўзбекистон - 2030” стратегияси мақсад ва кутилаётган натижалар.

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш

Йўналиш	Кўрсаткич	Натижа	йил
Фискал сиёсат	Бюджет тақчиллигини паст даражада ушлаш	2%	2025
Иқтисодий ўсишни таъминлаш	Иқтисодий ўсиш даражаси	6-7% даражасида сақлаш	-
ИТ хизматлар экспорти	-	5 млрд доллар	2030
Инвестицияларни амалга ошириш	Умумий миқдор	250 млрд доллар	-
Камбағалликни қисқартириш	Ижтимоий шериклик орқали кўшимча рағбатлар	Ҳар йили 1 млрд доллар йўналтириш	-
Хорижий инвестициялар	2023-2030-йиллар	110 млрд доллар	2023-2030
Ўртача умр кўриш	73 ёш (2022) → 78 ёш (2030)	78 ёш	2030
Қайта тикланувчи энергия улуши	Қайта тикланадиган энергия манбалари	40%	2030
Энергия самарадорлиги	Energiya samaradorligini 2 barobar oshirish	14% → 2 barobar	-

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал таҳлилига кўра фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларни самарали бошқаришни жорий қилиш, иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш, ИТ хизматлар экспорти, инвестицияларни амалга ошириш, камбағалликни қисқартириш, хорижий инвестицияларни максимал хажмда жалб қилиш, ўртача умр кўриш ва энергия самарадорлигини юқори натижага ошириш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг кафолатидир.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсад ва кутилаётган натижалар.

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш

Йўналиш	Кўрсаткич	Натижа	Йил
Камбағалликни қисқартириш	17% → 14% → 5%	2 баробар камайтириш	2021 → 2022 → 2030
Оилавий тадбиркорликда бандлик	Имтиёзли кредитни ошириш	100 млн сўмгача	-
	Қўл меҳнатидан саноатлашган ишлаб чиқаришга ўтиш	-	-
Ekспорт	2 баробар ошириш	45 млрд доллар	-
	Махсус экспорт зоналарини ташкил этиш	50 та дунё брендлари	-
Ёшлар ишсизлик даражасини камайтириш	14% → 6%	1 млн ёшлар бандлиги таъминланади	2022 → 2030

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунга кўра, илмий-тадқиқот ишимизнинг кейинги ўринларида мазкур масала бизнинг нуқтаи-назаримиздан нисбатан долзарб бўлган жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Мамлакатимизда мулкнинг иқтисодий реализацияси самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келаётган ҳолатлардан бири – ҳудудларда йил давомида мулкдорларимиз томонидан етиштирган мулкларини талаб юқори марказ бозорларида сотиш жараёнида уч-тўрт қўл олиб-сотарларга ўтиб бўлиб шаҳар ички бозорларига келиб бир неча баробар нархларнинг ошиб кетиши ҳолатлари учрайди.


Бу ўз навбатида мулкдан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатувчи қўйидаги ҳолатларни келтириб чиқаради:

- Ҳудудлардаги мулкдорларнинг кўпроқ фойда олиш миқдорини етарлича камайтиради натижада мулкни кўпайтиришдан бош тортади ёки маблағи етмайди;

- мулкдорлар томонидан таклиф қилинган мулкларни олиб сотарлардан ҳимоя қилиб марказ бозорларига тўғридан-тўғри етказишни ҳуқуқбузарлик содир этмасдан, қонун доирасида фойдаланилишини мунтазам назорат қилиб бориш;

- Марказ бозорларида истеъмолчилар харажатларининг ошириб кетиши ҳолатлари сабабли талабнинг пасайиши ва истеъмол товарлар сотилиши миқдорининг камайишига сабаб бўлади ва ҳ.к.

Давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мазкур йўналишда белгиланган муҳим тадбирлардан ҳисобланади.



4-жадвал. Давлат мулкни аукцион савдоларида сотиш ва ижарага беришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш тадбирлари²⁷.

Фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, жумладан, “ноль” харид қиймати бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш ҳамда бундай объектлар тадбиркорлик субъекти томонидан аниқланганда, уларни сотиб олиш юзасидан таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартибини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19

²⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

майдаги “Давлатга тегишли объектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Юқорида баён этилган чора-тадбирлардан кўринадикки, мамлакатимизда ҳозирги шароитда мулкни иқтисодий реализациясини таъминлашнинг бозор омилларидан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига кенг эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жараёнларнинг такомиллаштириб борилиши мулкни иқтисодий реализациясини таъминлашда маъмурий дастаклар салмоғини камайтириб, бозор омилларидан фойдаланишни кенгайтиради. Бу эса, иқтисодиётдаги турли ислохотлар, конъюнктура ва фаолликнинг ўзгариши шароитида мулкдан фойдаланишдаги барқарорликни таъминлаб, унинг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Америкалик машҳур иқтисодчилар – Р.Коуз ва А.Алчян мулк ҳуқуқлари назариясининг асосчилари ҳисобланади. Замонавий иқтисодий назарияда мулк ҳуқуқи тўплами назарияси иқтисодий таҳлилнинг нео-институционализм деб аталадиган бутун соҳасини ишлаб чиқди.

Иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусияти, уларнинг назариясига кўра, улар ўз тадқиқотларида бизга таниш бўлган "мулк" тушунчасидан фойдаланмайдилар, балки "мулк ҳуқуқи" атамасидан фойдаланадилар. Мулк ресурснинг ўзи эмас, балки "тўплам" ёки ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқларининг улуши – бу мулкни ташкил қилади. Мулкнинг тўлиқ "ҳуқуқлар тўплами" товарлардан фойдаланишда "ўйин қоидалари" мулкнинг мазмунини тавсифловчи қўйидаги 11 элементдан иборат: 1) эгалик қилиш ҳуқуқи; 2) фойдаланиш ҳуқуқи, яъни нарсдан шахсий фойдаланиш; 3) бошқариш ҳуқуқи, яъни нарсдан қандай ва ким томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш; 4) даромад олиш ҳуқуқи, яъни буюмдан аввалги шахсий фойдаланиш ёки бошқаларга ундан фойдаланишга рухсат бериш натижасида келиб чиқадиган имтиёзлар; 5) бирор нарсани бегоналаштириш, истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқини англлатувчи нарсанинг "капитал қиймати" ҳуқуқи; 6) хавфсизлик ҳуқуқи, яъни экспроприациядан иммунитет; 7) бирор нарсани мерос ёки ирода билан ўтказиш ҳуқуқи; 8) абадийлик; 9) зарарли фойдаланишни тақиқлаш, яъни нарсдан бошқаларга зарарли тарзда фойдаланмаслик мажбурияти; 10) ундириш шаклидаги жавобгарлик, яъни қарзни тўлаш учун нарсани олиш имконияти; 11) қолдиқ белги, яъни узатиш муддати тугагандан сўнг ёки бошқа сабабларга кўра охириги куч йўқолган тақдирда кимгадир берилган ваколатларнинг "табiiй" қайтарилишини кутиш. Мулк ҳуқуқи ижтимоий рухсат етилган (давлат қонунлари, маъмурий буйруқлар, анъаналар, урф-одатлар ва бошқалар) деб тушунилади.) товарларнинг мавжудлиги билан

боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган одамлар ўртасидаги хулқ-атвор муносабатлари. Бу ҳар қандай шахс бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларида бажариши ёки уларнинг бажарилмаслиги сабабли харажатларга олиб келиши керак бўлган қонуний процедуралардир. Хусусий мулк ҳуқуқи жисмоний ёки юридик шахс ўн битта ҳуқуқнинг бутун "тўпламига" ёки П. Гейн таъкидлаганидек, ушбу "тўплам" дан баъзи "ўт пичоқлари"га ега еканлигини англатади. Мулк ҳуқуқи - бу маълум ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи ва бир вақтнинг ўзида харажатлар ва имтиёзларни тақсимлаш ҳуқуқини англатади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда барпо этилаётган эркин, ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиёти муносабатларини, уни келажакда янада ривожлантириш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва мулкий муносабатлар механизмини такомиллаштириш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, бозор механизмларини жорий қилиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муҳимдир. Бунинг натижасида мулкдан самарали фойдаланиш, Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш, Ахборот шаффофлигини таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабрь.
2. "Темур тузуклари" китоби. <https://temurtuzuklari.uz>.
3. Ташматов Ш.Х., Асатуллаев Х.С., Аллаберганов З.Г. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик - Т. "Иқтисод-молия", 2018 й. -360 б.
4. Ўрмонов. Н., ва бошқалар. Иқтисодий таълимотлар тарихи: Дарслик. - Т.: 2007 й.
5. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик.-Т.: «Меҳнат», 1999 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>.
7. Қадимги конфуцийчиликнинг иқтисодий қарашлари // Жаҳон иқтисодий тафаккур тарихи: 6 жилдда / Бош. муҳарир. В. Н. Черковец. - М.: Тафаккур, 1987. - Т. И. Иқтисодий фикрнинг туғилишидан сиёсий ҳаётнинг илк назарий тизимларигача. - С. 94-99. - 606 б.
8. Муаллиф томонидан таҳлил қилинган маълумотлар асосида тайёрланди.

9. O. Norboyev. Property relations in the national economy, reliable protection of the inviolability of property rights, prospects for increasing the level of capitalization of private property. (2023) https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a5.

10. Норбоев Одил Абраевич. (2024). Characteristics of the formation of the class of middle ownership in the country. Economics and Innovative Technologies, 12(5), 10–21.

11. O. NORBOEV. Мулк капиталлашуви амал қилишининг асосий тамойиллари Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар журнали № 3.Июл-Сентябр, 2024-йил.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13

Tashkent, Uzbekistan

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz